


Гулрух Бегим - Бобурнинг хотини. Комрон, Аскарий, Шохрух Мирзо, Султонахмад Мирзо ва Гулъузор Бегимнинг онаси (“Х.”, 66). Келиб чикиши бекчик уругидан. Бобур учинчи марта Самаркандни эгаллаганида, у билан бирга бўлган. Бобур вафотидан сўнг сиёсатга аралашади. 1540 й. Дехлини ташлаб чиккан Хумоюн Кобулда Комронни колдириб ўзи укалари билан бирга Бадахшонга юриш килмокчи бўлганида, Комрон “Кобул онамга берилган” деб даъво килган (“Х.”, 40). Хумоюн эса Кобул холиса килингани ва бу хакда бир неча марта “Б.” да зикр килинганини эслатиб рози бўлмаган. Окибатда ака-укалар ўртасида келишмовчилик юз беради. Гулрух Бегим уларни яраштиришга уринган, аммо кўп ўтмай вафот этган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан